2015 йил 14 январь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (12.822)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!*

*Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.*

***Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг – ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.*** *Ҳар қандай давлатнинг кучқудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.*

*Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.*

*Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.*

*Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.*

*Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.*

*Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.*

*Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.*

*Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.*

*Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулотлари мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.*

*Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.*

*Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.*

*Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.*

*Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.*

*Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.*

*Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти — мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.*

*Ҳурматли ватандошлар!*

*Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хом ашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.*

*Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.*

*АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.*

*Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.*

*Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.*

*Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.*

*Қадрли дўстлар!*

*Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.*

*Янги — 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти,***
***Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони***

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

## ЭЛУ ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

**«Туркистон» саройида 13 январь куни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.**



Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш мустақилликнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат республикамизга ўз ҳарбий сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини берди. Мазкур қонун, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот мамлакатимиз Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Бу миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий таълим соҳасини ривожлантириш, муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажариш имконини яратди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 14 январдан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Ватанимизни ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланган. «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларда Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

Кейинги йилларда Қуролли Кучларда амалга оширилган улкан ислоҳотлар натижасида миллий армиямизнинг ташкилий-штат тузилмалари бутунлай қайта кўриб чиқилди, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизими яратилди. Қўшин турларининг ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартириш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тубдан яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалдаги имтиёзлар янада кенгайтирилди. Бу ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизмат чоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, миллий армиямиз сафларини жисмонан ва маънан етук ёшлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилда ҳам кўплаб ҳарбий хизматчилар ўз уйларига эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Ватан — улуғ, бурчим муқаддас!» шиори остида нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқимизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаши, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча ўзини бирдек дахлдор сезиши — Ўзбекистон ягона Ватан, бир тану бир жон экани намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 12 январда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Ҳар бир йигит, аввало, эл-юртимга садоқат билан хизмат қилсам, деб ният қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, подполковник Лочинбек Мамажанов. — Мен ҳам юртимизнинг ана шу бахтиёр фарзандлари қаторида эканимдан фахрланаман. Биз, ҳарбийлар давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаяпмиз. Хизматда ҳам, оилгда ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнимизга эгамиз. Бу бизга катта куч ва беқиёс маънавий-руҳий мадад беради.

«Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси», «Энг илғор Сержантлар тайёрлаш мактаби», «Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси» танлови ғолиблари эълон қилиниб, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Мардлик» ордени соҳиби, капитан Жаҳонгир Ваҳобов, «Жасорат» медали соҳиби, кичик сержант Жаҳонгир Ҳусанов, аскар онаси Зулхумор Раҳмонқулова, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва бошқалар барча Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросимда таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдодлар ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# АСКАРЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР МУЛОҚОТИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Менинг ўғлим – Ватан ҳимоячиси» шиори остида «Тошкент – Термиз» видеоконференцияси ташкил қилинди.***

Тадбирда Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларда шарафли бурчни адо этаётган сурхондарёлик ва Сурхондарё вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган тошкентлик аскарлар ҳамда уларнинг яқинлари, ота-оналари, нуронийлар, ёзувчи-шоирлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилояти ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмиталари, Мудофаа ишлари бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган видеомулоқот байрам шукуҳини халқимиз, хусусан ёшларимиз қалбига янада чуқурроқ сингдириш, ўсиб келаётган ёш авлод, ота-оналар ва муддатли ҳарбий хизмат ўтаётганларнинг яқинлари қалбида ҳарбий хизматга нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Тошкент шаҳар таянч маскани билан ҳамкорликда аскарларнинг оила аъзолари билан суҳбати, уларнинг тиббий кўриги ҳақида тасвирга олинган видеолавҳа намойиш этилди. Шу билан бирга Сурхондарёда хизмат қилаётган ҳарбийлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги видеолавҳа тадбирга ташриф буюрган ота-оналар қалбини тоғдек кўтарди. Аскарларнинг ота-оналарига эсдалик совғалари топширилди.

Монитор орқали аскарларга яратиб берилган шарт-шароитлар, уларнинг эришган ютуқлари, қўлга киритган медаль ва фахрий ёрлиқларни кўрган ота-оналарнинг кўзларига севинч ёшлари келди. Қувончдан кўзлари порлаб турган ота-оналарни суҳбатга чорладик.

— Ўғлим Зариф Сатторов Сурхондарё вилоятида ўз йигитлик бурчини адо этмоқда, — дейди Мардон Мамашукуров. — У ердаги шарт-шароитларни кўриб, беҳад қувондим. Видеоконференция орқали ўғлим билан дийдорлашиш имконига эга бўлдик. Хизматини аъло даражада адо этаётганини эшитиб, қалбимни фахр туйғуси қамраб олди. Фурсатдан фойдаланган ҳолда Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган ҳарбийларни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман.

— Сурхондарё вилояти Шеробод туманида йигитлик бурчини ўтаётган ўғлим билан видеомулоқотда дийдорлашиб, кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди Олмазор туманида истиқомат қилувчи Отабек Тоҳировнинг онаси Дилфуза Одилова. — Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни таъминлашда кўксини қалқон қилаётган ҳарбийларимиз борлигидан биз оналар ҳақли равишда фахрланамиз. Мард ўғлонлар бор экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиши шубҳасиз.

Ҳарбий қисмлардан таклиф этилган аскарлар ўз ота-оналари ҳамда яқинлари билан дилдан суҳбат қурди.

— Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда Сурхондарёда истиқомат қилаётган ота-онам билан суҳбатлашиш имконига эга бўлдим, — дейди Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидан Тошкентда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган Сардорбек Намозов. — Яқинларимнинг юзидаги табассумни кўриб, мен ҳам хурсанд бўлдим. Келажакда ҳарбий бўлиш ниятидаман. Ҳарбий қисмда хизматимизни намунали ўташимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Тадбирда қатнашаётган ота-оналар фарзандларининг йигитлик бурчини аъло даражада ўтаётганини, аскарлар оналарига кўрсатилган иззат-икромдан ниҳоятда хурсанд эканликларини айтиб ўтишди. Бундай тадбирни ташкил этган ташкилотчилардан миннатдорликларини таъкидлашди.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

Ватан — улуғ, бурчим муқаддас

# ФАХРИЙЛАР ЎГИТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

***Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас» мавзусида авлодлар учрашуви ўтказилди.***

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 9 декабрдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

«Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг асосий мақсадига айланганини таъкидлади. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига барча шарт-шароит яратилаётгани бу борадаги ишларнинг амалий тасдиғидир.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари ўз ҳаёт йўллари, истиқлол туфайли эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини авайлаб-асраш зарурлиги, Ватан ҳимояси муқаддас бурч экани ҳақида сўзлади.

– Авлодлар учрашуви ёшларимизни миллий қадриятларга ҳурмат, эл-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, – дейди меҳнат фахрийси Искандар Раҳмонов. – Зеро, ёшлар халқимиз ўтмишини яхши билса, тинчлик-осойишталикнинг нечоғлик буюк неъмат эканини теран англаса, бугунги дориломон кунлар қадрини шунчалик чуқур тушунади. Эртамизни бундан-да обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш учун курашади.

– Катта авлод вакилларининг ҳаёт йўли биз учун ибрат мактабидир, – дейди ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи ўқувчиси Шуҳрат Нарзуллаев. – Ватан ҳимоячилари куни олдидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар байрам шукуҳини бутун халқимиз, хусусан, ёшлар қалбига янада чуқурроқ сингдириш, жамиятимизда ҳарбийлик шарафли, фахрли касбга айланганини таъсирчан воситалар орқали кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади.

**Д.КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.***

Тадбирлар

# ИЛИҚ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз осойишталиги, тинчлигини асрашда, Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлашда Ватан ҳимоячиларининг хизматлари беқиёс эканлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Эътиборлиси, коллеж ўқувчилари томонидан Ватан ҳимоячилари кунига тайёрланган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар кеча файзига файз қўшди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган ҳарбий қўшиқлар йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Яккасарой туманидаги «Қушбеги» ва Усмон Носир маҳаллаларида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.***

Ушбу маънавий-маърифий тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Муҳиддин Омон ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази доценти Ғайбулла Алимовлар миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ, ҳар бир тузилмаларни ягона, қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз, мард, жасур ўғлонларимизнинг она Ватан сарҳадлари дахлсизлиги йўлидаги хизматлари, миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттираётганлари ҳақида фахр билан сўз юритдилар.

— Ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни Ватан ҳимоясига муносиб қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳарбий билимларини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама чиниқтириб бориш муҳим вазифаларимиздан, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов. — Юртимизда мана шундай юрагида ўти, қалбида шижоати бор ўғлонларимизга ишончимиз янада ортмоқда.

Учрашув давомида тумандаги барча маҳалла, олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, халқ таълими муассасаларида «Эл-юрт тинчлиги — ишончли қўлларда» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, ёшларни юксак ватанпарварликка чорловчи учрашувлар бўлиб ўтаётганлиги ҳам қайд этилди.

Ҳар бир юрт ўз келажагини мард, жасур ва ҳар томонлама баркамол ўғлонлари, фидойи фарзандларида кўради. Уларга таянади. Чунончи, юртга қалқон мард ўғлонларимиз бор экан, ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ёшларнинг орзу-истаклари ушалаверади.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

***Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Ватанни севиш, асраш — муқаддас бурч!» мавзуида маданий-маънавий байрам тадбири ўтказилди.***

# ВАТАННИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Тадбирда Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими раҳбари Н.Абдураҳимова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази доценти С. Марипова ва бошқалар сўз олиб ҳозирги кунда юртимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳарбийлар учун яратилган кенг имконият ва шарт-шароитлар ҳақида батафсил гапириб ўтдилар. Аёллар муаммолари бўйича эксперт олима Ж. Шермуҳаммедова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Искандар Раҳмон, ҳарбий қисм хизматчиси, майор Ф. Жайдаков, ТАТУ махсус факультети курсанти Жасур Ўсаровлар ҳам ҳарбийларимизга ўзларининг илиқ тилакларини билдирдилар.

Тадбир давомида Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётган аскарлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Тадбирнинг бадиий қисмида 258-умумтаълим мактаби, 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси санъаткорлари ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар янграб барчани хушнуд этди.

Кеча якунида Ўзбекистон тарихи Давлат музейи бўйлаб саёҳат уюштирилди.

**Муҳаммаджон БОЗОРОВ**

***Эл бошига иш тушган, тинчлик-хотиржамликка раҳна солинган пайтларда мамлакат аҳли ҳамиша ўзининг мард ва жасур ўғлонларига суяниб келган. Шу сабабдан оналаримиз ҳам фарзандларини ғанимга бўй бермайдиган, ёв олдида қаддини эгмайдиган, юрт яловини ҳамиша сарбаланд тутадиган ботирлар этиб тарбиялашга ҳаракат қилганлар.***

# ЖАСУР ВА МАРД ЎҒЛОНЛАР — ТАЯНЧИМИЗ

Азалдан марду майдонлар ватани бўлмиш заминимизда хавфсизлигимиз тўлиқ таъминлангани, дахлсизлигимизга путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай омил бартараф этилгани боис тунларимиз осуда, кунларимиз фараҳбахш. Ҳаётимиз эса тобора фаровонлик касб этиб бормоқдаки, бу қулайликлар аҳолининг барча вакиллари каби ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар учун ҳам кенг имкониятларни очиб берди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини ишончли ҳимоя қилиш борасида тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан тўлиқ таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий соҳанинг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган ва айни пайтда миллий анъаналарга содиқ ҳолда такомиллашаётган, куч-қудрати ва салоҳияти тобора ошаётган Қуролли Кучларимизнинг хавфсизлигимизга қарши қаратилган ҳар қандай ташқи ва ички таҳдид ҳамда хатарларга нисбатан мустаҳкам қалқон бўла олиши шубҳасиз. Бугун унинг сафларида ўзининг йигитлик бурчини адо этаётган ҳар бир аскар она Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ишни бажараётганидан қалби ғурур ва ифтихорга лиммо-лим, десак муболаға бўлмайди. Мен ҳам ана шу тотли туйғуни ҳис этдиму кейинги ҳаёт йўлимни шундай нуфузли ва айни пайтда масъулиятли соҳа билан боғлашга азму қарор этдим.

Қашқадарёнинг сўлим Китоб адирларида, ота-онам бағрида шодон юрган беташвиш кезларим ҳаётга анча жўн қарар эканман. Фарғонада муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида эса армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит менга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиш ҳамда пухта ўзлаштиришда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда тартиб-интизомни сақлаш, аскар дўстларимиз билан ўзаро жанговар ва сиёсий тайёргарликни оширишга интилишимизнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Ўқув-жанговар машқ тайёргарлиги жараёнидаги чиниқиш натижасида қатъиятим ошиб, иродам мустаҳкамланганини ҳис қилдим. Энди ўзимни аввалгидан анча тетик ва руҳан енгил сеза бошладим. Шу билан бирга масъулият, бурч нималигини тушундим. Юртим, халқим учун кераклигимни, унинг эртасида муносиб ўрин тутишим лозимлигини англадим. Ҳа, бу менинг она юртим олдидаги фарзандлик бурчимдир.

Тўғри, ҳар қандай касб соҳиби ҳалол меҳнат эвазига юрт тараққиёти ва порлоқ келажагининг бунёдкорига айланиши мумкин. Бироқ йигитлик бурчини ўташ чоғида ушбу шарафли ишга меҳр қўйганим сабаб айнан ҳарбий соҳа вакили сифатида мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга сидқидилдан хизмат қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга аҳд этдим. Шу боис республикамиз ҳудудида самарали божхона назоратини ва товарлар айирбошланишини тартибга солишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, ички бозорни ҳимоялашда муносиб иштирок этиш мақсадида Марказий Осиёдаги ягона бўлган Олий ҳарбий божхона институтига ҳужжатларимни топширдим. Ҳарбий хизмат даврида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик борасида юқори натижаларга эришган тенгдошларим қатори мен ҳам тегишли тавсиянома асосидаги қўшимча балл билан ўқишга қабул қилиндим.

Битирувчи курс курсанти сифатида тобора яқинлашиб келаётган масъулиятли вазифани бажо этиш ҳақида ўйлайман. Ҳарбий қасамёдим хизматим давомида менга янада куч ва ғайрат, шижоат бағишлашига ва айни пайтда ишимга нисбатан иштиёқимни оширишига ишонаман.

Ҳа, Ватан бизни қўллаяпти, юртнинг барча оналари дуо қиляпти, оталаримиз биздан фахрланади, укаларимиз эса ҳавас қилади. Биздан юртимиз равнақи ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш талаб этилар экан, бу ишни бажонидил бажарамиз.

**Иброҳим МИРЗАЕВ,**
**Олий ҳарбий божхона институти тингловчиси**

ХХI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухорода «Аскар оналари эъзозда» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2014 йил 9 декабрда қабул қилинган Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ҳамда «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас!» шиори остида ўтказилган мазкур тадбир Бухоро вилояти ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, мудофаа ишлари бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**● Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас!» шиори остида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, вилоят ҳудудидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарлар, фарзандлари мамлакатимизнинг турли минтақаларида йигитлик бурчини ўтаётган тинчлик посбонларининг оналари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Самарқандда «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда милиция таянч пунктларининг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги вазият, профилактика инспекторларининг аҳоли билан ҳамкорлиги ҳамда билим ва тажрибаси, вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.**

**● Бухорода вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Кексалари эъзозда, ёшлари эътиборда бўлган юрт» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

**● Термиз гарнизони офицерлар уйида аскарларнинг сурхондарёлик Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда спорт, маданият ва санъат соҳасида улкан ютуқларга эришаётган қизлар билан учрашуви бўлиб ўтди.**

## ЖАҲОНДА

**● Европарламент бир неча йилдан буён давом этаётган гени ўзгартирилган дуккакли ўсимликларнинг экилишига рухсат бериш ёки йўқлиги ҳақидаги мунозараларга нуқта қўйди. Бундан буён Европа Иттифоқига аъзо бўлган ҳар бир мамлакат ўзи учун ушбу масалани мустақил равишда ҳал этадиган бўлди. Гап шундаки, бундай ўсимликлар бутун дунё бўйича экилади, бироқ кўпгина Европа мамлакатларида бунга қарши чиқаётганлар ҳам оз эмас.**

**● АҚШда киберхавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича қатъий чораларни амалга оширишга қарор қилинди. Чунончи, янги қонунчиликка кўра, компаниялар ўз мижозларини шахсий маълумотларининг ўғирланганлиги ҳақида 30 кундан кеч бўлмаган муддатда огоҳлантиришлари лозим. Шунингдек, банклар ва кредит ташкилотларининг сайтлари, истеъмолчилар ҳақидаги шахсий маълумотлар ва умумтаълим муассасаларида сақланаётган талабалар ҳамда ўқувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг муҳофазаси янада яхшиланади.**

**● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтказилган тантанали тадбирда португалиялик футболчи Криштиану Роналдуга ФИФА томонидан йилнинг энг яхши футболчисига бериладиган «Олтин тўп» соврини топширилди. Ушбу тадбир давомида шунингдек, энг яхши мураббий, аёл футболчи ва мураббий, энг чиройли гол муаллифи каби номинациялар ғолиблари ҳам аниқланди.**

***Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 220-270 километр йўл қурилади ва реконструкция қилинади, замонавий кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилади. Бу ишлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда кўчаларни кенгайтириш, кўп полосали йўллар қуриш каби муҳим вазифалар изчиллик билан бажарилмоқда. Айни пайтда йўл бўйи инфратузилмаси объектлари барпо этилмоқда.***

Фармон ва ижро

# ЛОЙИҲАЛАР ОБОДЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам аҳоли учун қулайликлар яратиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўп қаватли автомобиль тўхташ жойлари муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, Чорсу мавзесида 658 енгил автомобилга мўлжалланган мана шундай кўп қаватли тўхташ жойларидан бири муваффақиятли фаолият юритмоқда.

– Кўп қаватли автомобиль тўхташ жойларини қуришга доир лойиҳаларни амалга оширишда халқаро тажрибани ўрганиб, имкониятларимизни ҳисобга олмоқдамиз, – дейди Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Асомиддин Тожиев. – Шунча автомобилни оддий тўхташ жойларига жойлаштириш учун камида 21 минг квадрат метр ҳудуд зарур бўларди. Мазкур кўп қаватли автомобиль тўхташ жойимиз эса атиги 3,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган.

Ушбу автомобиль тўхташ жойи ҳайдовчилар учун қулай бўлиб, ҳар бир қаватга 100 дан ортиқ автомобилни жойлаштириш мумкин. Чет элда фойдаланиладиган айлана пандуслар тизимидан фарқли равишда, бу ерда эни 5,5 метрли пандусли бурама тизим қўлланилган.

Ҳайдовчи автомобилини тўхташ жойига қўйиб, пастга тушиши учун иккита лифт ва тўртта пиёдалар тушиш жойи мавжуд. Энг муҳими, бу ерда хавфсизликка жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бинода туну кун видеокузатув олиб борилади, ҳар бир қават замонавий ўт ўчириш воситалари билан таъминланган. Айни пайтда янги объект мавзенинг умумий архитектураси билан уйғунлаштирилган.

Ўтган йили «Samarqand Darvoza» савдо-кўнгилочар маркази рўпарасида кўп қаватли автомобиллар тўхташ жойи қурилган эди. Тошкент шаҳрини янада ободонлаштириш жараёнида ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган Олмазор, Учтепа, Миробод туманлари, аэропорт ҳудуди, «Тошкент» вокзали, «Саёҳат» меҳмонхонаси ва «Чилонзор» буюм бозорида кўп қаватли ёки ерости гаражларини қуриш назарда тутилмоқда. Шунингдек, жорий йилда Қатортол мавзесида автомобиль тўхташ жойининг қурилиши якунланиши, «Қўйлиқ» бозори ёнидаги йўлни кенгайтириш ва бу ерда тўхташ жойи қуриш белгиланган. Бундан ташқари, Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишган жойда ҳайдовчилар ва йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга ёрдам берадиган янги йўл ўтказгич бунёд этилади.

**Ирина ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

# САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ

***Жорий йилнинг 17-18 январь кунлари Тошкент шаҳрида «Hand Made in Uzbekistan — 2015» деб номланган анъанавий санъат фестивали бўлиб ўтади. Унинг олдидан пойтахтимиздаги «Зарқайнар» миллий санъат галереясида матбуот анжумани ташкил этилди.***

Анжуманда фестивалнинг ташкил этилиши, режаси, мақсад ва вазифалари юзасидан журналистларга маълумотлар ҳавола этилди.

Мазкур фестиваль Ўзбекистоннинг маданий мероси ва санъатини асраб-авайлаш, ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар билан кенг оммани таништириш, ижодий сулолалар ва истеъдодли ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади.

Фестиваль доирасида Тошкент шаҳар марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги «Нодирабегим» фольклор-этнографик ансамбли, Тошкент маданият коллежи қошидаги «Гулшод» фольклор-этнографик гуруҳи, анъанавий қўғирчоқлар театри концертлари, миллий либослар намойиши каби тадбирлар, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра санъати, чинни ҳамда сополдан уй-рўзғор буюмларини ясаш бўйича маҳорат дарслари ташкил этилади. Амалий санъатнинг барча йўналишлари бўйича ижодий ишлар кўргазмалари «Зарқайнар» миллий санъат галереяси залларида бўлиб ўтади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур фестивалда мамлакатимизда ижод қилаётган 150 дан зиёд ҳунармандлар иштирок этиши кутилмоқда. Жумладан, кулоллар, темирчилар, чилангарлар, рассомлар ўз ижод маҳсулотларини намойиш этади. Фестивалда буюмлар савдоси ҳам бўлиб ўтади.

***«Wyndham Hotel Group» компанияси пойтахтимиз Тошкентда ўзининг янги меҳмонхонасини очди. Бу меҳмонхона олдинги «Dedeman Silk Road Tashkent» асосида ташкил этилди, деб хабар берди «Ўзбектуризм» миллий компанияси матбуот хизмати.***

# МЕҲМОНХОНАЛАР ТАРМОҒИДАН ЎРИН ОЛДИ

Мазкур меҳмонхона 2003 йилнинг май ойидан буён «Dedeman Silk Road Tashkent» деб юритилиб келинарди. 2015 йилнинг 1 январидан эътиборан меҳмонхона ўз мижозларига янги «**WYNDHAM TASHKENT**» бренди остида хизмат кўрсатмоқда.

«Wyndham Hotel Group» меҳмонхоналар тармоғи жаҳондаги энг йирик меҳмонхона ва бошқа туристик хизматларни кўрсатиб келаётган компаниялардан бири бўлиб, дунёнинг 5 та қитъасидаги 50 та мамлакатда 15 номдаги бренд остида фаолият кўрсатиб келаётган 6900 меҳмонхоналарига эга.

Эслатиб ўтамиз, пойтахтимиздаги «Ramada Tashkent» меҳмонхонаси ҳам 2013 йилдан «Wyndham Hotel Group» меҳмонхоналар тармоғи таркибида мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

**«Туркистон-пресс»**



Танловлар

# САҲНАДА — ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

***Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқларини рағбатлантириш ҳозирги кунда юртимизда алоҳида эътиборга молик масалалардан бири бўлиб келмоқда.***

Дарҳақиқат, мазкур масалалардаги тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳаётимизнинг турли жабҳаларида ўз ифодасини топмоқда. Сўзимиз исботи сифатида Зулфия номидаги Давлат мукофотини келтиришимиз мумкин. Ушбу мукофот мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло ҳулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб, таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганлигига 17 йил тўлиб, ўтган вақт ичида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 250 га яқин иқтидорли, юксак салоҳиятли, билимли, ҳар соҳада илғор ва ташаббускор қизлар ушбу шарафли мукофотга сазовор бўлиб, юртимиз равнақи учун сидқидилдан хизмат қилиб келмоқдалар.

Бу йил Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ушбу мукофотга лойиқ бўлган номзодлар, том маънода «Зулфияхоним қизлари»ни аниқлаш учун саралаш босқичлари юқори савияда ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг санъат йўналиши бўйича республика саралаш босқичи бўлиб ўтди. Юртимизнинг турли вилоятларидан келган иқтидорли, ташаббускор 100 га яқин қизлар иштирок этган ушбу танловда амалий безак, дизайн, меъморчилик санъати намуналари бўйича кўргазма, мусиқа ҳамда рақс йўналиши бўйича концерт дастури ташкиллаштирилди.

Тадбир орқали қизларимизнинг нафақат иқтидор ва маҳоратлари, балки фан ва таълим соҳасидаги билимлари ҳам яна бир бор имтиҳондан ўтказилди.

— Санъат йўналиши энг мураккаб, яъни кўп жабҳаларни қамраб олган йўналиш ҳисобланади, — дейди композитор, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ойдин Абдуллаева. — Шунинг учун бу йўналишда номзодларни баҳолаш осон иш эмас. Аслида Зулфия номидаги Давлат мукофоти қизларимиз орасидан юқори салоҳиятли, ўз мутахассислигини тўғри эгаллаётган, керакли билим ва кўникмаларга эга бўлаётганларини аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш учун таъсис этилган. Шу ўринда биз ушбу мукофот учун номзодлар орасида эътироф этишга лойиқларини танлаб олишга ҳаракат қилдик.

— Танловда либослар дизайни бўйича ўз ишларим билан қатнашмоқдаман, — дейди ушбу мукофотга номзод Нодирабегим Ибрагимова. — Бундай нуфузли мукофотлар бизни ўз устимизда кўп ишлашга, изланишлар олиб боришга ундайди. Тадбирда қатнашиш давомида тенгдошларим билан фикр алмашиб, уларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш орқали ўзим учун қизиқарли маълумотларга эга бўлдим.

**Мадина ТУРҒУНБОЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқашунослик бўлимининг 3-босқич талабаси**

# ЯНГИ МАЖМУА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.***

Мажмуа Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Марказий Осиёдаги DIPECHO VII табиий офатларга тайёргарликни таъминлаш дастури доирасида ташкил этилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси, Гуманитар ёрдам ва фуқаро муҳофазаси бўйича Европа комиссияси (ECHO), Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

Табиий тусдаги фавқулодда ҳолатларга тайёр туриш долзарб масаладир. Бундай таҳдидларга қарши туриш мақсадида 2011 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат аҳолини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда аҳолини тезкорлик билан ҳаракат қилиш, бундай офатлардан огоҳлантириш ва унга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Т.Худайбергенов мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг самарали тизими яратилганини таъкидлади. Мазкур тизим фавқулодда вазиятларни аниқ прогноз қилиш, тезкор огоҳлантириш ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган. Зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси бу борада амалга ошириладиган ишларда муҳим ўрин тутади. Ушбу мажмуа аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш имконини беради.

Янги мажмуада зилзилалар туфайли вайрон бўлган биноларнинг макетлари жойлаштирилган зал мавжуд. Шунингдек, бу ерда зилзилалар музейи, ер силкинишига ўхшаш ҳолатни юзага келтирадиган махсус ўқув тренажёри билан таъминланган бино, тиббиёт хонаси бор.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда амалда бўлган аҳолини зилзилалар рўй берганда ҳаракатланишга тайёрлаш, ер силкинишларини прогноз ва мониторинг қилиш бўйича комплекс дастур, гидротехник иншоотлар ва турар жойларнинг сейсмик барқарорлигини баҳолаш жараёни билан таништирилди.

– Зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси менда катта таассурот қолдирди, – дейди Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари, элчи Юрий Штерк. – Ер силкинишига ўхшаш ҳолатни юзага келтирадиган янги тренажёр Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ўзбекистонда жорий этилган фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишни ўргатадиган яхлит ва чуқур ўйланган дастур эътиборга лойиқдир.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Диққат! Диққат! Диққат!*
*Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Respublika mulk markazi» АЖ «Poytaxt filiali» бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, 29-уй манзилида жойлашган, «Toshkent tajribali ta'mirlash mexanika zavodi» МЧЖ Устав фондидаги 100 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич нархи – 34 256 023 500 сўм.**

Балансда сақловчи: «Toshkent tajribali ta'mirlash mexanika zavodi» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган, «FAZO VIDEO» МЧЖ Устав фондидаги 93,19 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич нархи – 34 191 334 сўм.**

Балансда сақловчи: «FAZO VIDEO» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: «Respublika mulk markazi» АЖ «Poytaxt filiali», Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон/факс: (0-371) 236-38-28. веб-сайт; www.rmm.uz. электрон почта: user00@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

**Аукцион савдоси 2015 йил 16 февраль куни соат 15:00да, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уйда ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2015 йил 2, 16, 30 март, 13, 27 апрель, 11, 25 май, 9, 23 июнь, 7, 21 июль ва 4 август кунлари соат 15:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси натижаси бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат улушлари бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Respublika mulk markazi» АЖ «Poytaxt filiali»)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиали; ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефон: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user00@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мактуба Ариповага волидаи муҳтарамаси **Машкура ШОКИРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Болалар спорти

# ҚУДРАТЛИ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

***Жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёш спортчиларимизнинг ғалабалари йилдан-йилга ортиб бормоқда.***



Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк келажагимиз бунёдкори бўлган навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим омиллари – таълим, соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва самарали омили сифатида юксак самаралар бераётгани, юртимиз спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг воситасига айланганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам спорт иншоотлари ўғил-қизларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, 2014 йилда 163 объект, жумладан, 115 болалар спорти иншооти фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотларни спорт инвентарлари, зарур жиҳозлар, малакали мураббийлар билан таъминлаш, ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, жойларда турли спорт мусобақалари ташкил этилаётгани ёшларни спортга қизиқтириш, уларнинг ғалабага бўлган интилишини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарма томонидан ўтган йилда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қирқдан ортиқ спорт тури бўйича мамлакат миқёсидаги кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақаларга 6782 нафар ўқувчи-ёш жалб этилди. Қувонарлиси, ушбу иштирокчиларнинг 2721 нафарини қизлар ташкил этди.

Бундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ёш спортчиларнинг жаҳон спорт ареналарида эришаётган улкан ғалабаларида ўз ифодасини топмоқда.

2014 йили Германия, Австрия, Италия, Россия, Таиланд, Туркия, Франция, Хитой, Болгария, Қозоғистон, Латвия, Литва, Малайзия, Беларус, Люксембург, Арманистон, АҚШ, Швейцария, Бразилия, Ҳиндистон, Нидерландия, Испанияда ўтказилган 56 халқаро спорт мусобақасида ўғил-қизларимиз қатор спорт турлари бўйича 126 олтин, 105 кумуш, 160 бронза, жами 391 медални қўлга киритгани бунинг тасдиғидир. Бу 2013 йилга нисбатан 38 тага кўпдир.

Бу рақамлар оддий рақамлар эмас. Улар негизида давлатимизнинг спортга қаратаётган улкан эътибори, ажратилган маблағ, яратилган шарт-шароит, мураббийлар меҳнати, спортчиларнинг мақсад сари интилиши, руҳи, характери, шижоати ва мустаҳкам иродаси мужассам экани ҳеч кимга сир эмас.

Чунки бир-бирига боғлиқ бу омиллар ғалабанинг муҳим асосидир. Агар болада ҳаракат, интилиш бўлсаю унга ўз вақтида рағбат кўрсатилмаса, иқтидори қўллаб-қувватланмаса бирон-бир натижага эришиш мушкул.

– Ёш спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги ғалабалари салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда, ўғил-қизларимиз нуфузли мусобақаларда дунёнинг ривожланган давлатларидаги тенгдошлари билан тенгма-тенг баҳслашиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботламоқда, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Акмал Бобонов. – Бунинг замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассамдир.

Бугун ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилган кенг имкониятлар пировардида ўғил-қизларимизнинг эришаётган натижалари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда, дунё ҳавасини уйғотмоқда.

Масалан, 2014 йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани юртимиз спорти тарихида унутилмас воқеалардан бири бўлди. Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид ва блиц шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ака-ука Исломбек ва Жавоҳир Синдоровларнинг манаман деган тенгдошларидан устун келиб, иккитадан олтин медалга сазовор бўлгани халқимизни чексиз қувонтирди.

Эътиборлиси, бугун юртимиз фахрига айланиб улгурган ёш спортчиларимиз мамлакатимизнинг турли шаҳару қишлоқларида вояга етган. Масалан, ўсмирлар Олимпиадаси ғолиблари – бокс бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев Фарғонада, юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Илҳом Баҳромов Самарқандда, дзюдочи Суҳроб Турсунов Сурхондарёда, ўқ отиш устаси Владимир Свечников Тошкентда камолга етган.

Бу спорт юртимизнинг барча ҳудудида бирдек ривожланаётганидан, турли ҳудудларда замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, пойтахтникидан кам бўлмаган шароитга эга эканидан, истеъдод соҳиби борки, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

– Нуфузли мусобақаларда доимо халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини, қўллаб-қувватлашини ҳис этиб турамиз, – дейди II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби И.Баҳромов. – Бу бизга катта куч-ғайрат бағишлайди. Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътиборга жавобан келажакда жаҳон ареналарида Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга ҳаракат қиламиз.

Ҳа, бугун мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз олдига қўйган мақсадларни рўёбга чиқариш, жаҳон узра Ўзбекистондек қудратли юртнинг муносиб фарзандлари эканини исботлашга аҳд қилган, ҳар томонлама етук авлод вакиллари вояга етмоқда. Улар эришаётган ютуқлар барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Мутахассис маслаҳати

# ВИРУСЛИ ГЕПАТИТНИ ЎЗ ВАҚТИДА ДАВОЛАТИНГ

***Вирусли гепатитлар — ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши ва организмда умумий интоксикация аломатлари билан кечади. Гепатитларни бир неча хилдаги вируслар келтириб чиқарганлиги сабабли уларнинг А.В.С.Д.Е турлари фарқланади.***

«Сариқ касаллиги» деб ном олган вирусли гепатит касаллигининг А ва Е турлари одамга оғиз орқали юқади ва кўпроқ болаларда учрайди. В.С.Д турлари эса қон орқали тиббий муолажалар натижасида юқади.

Касалликка кўп ҳолларда: қўлларни совунлаб ювмасдан овқатланиш; мева-сабзавотларни ювмасдан истеъмол қилиш; сувни қайнатмай ичиш; рухсат этилмаган очиқ сувларда чўмилиш; истеъмолга тайёр озиқ-овқат маҳсулотларига пашшаларнинг қўниши сабаб бўлади.

Одам организмига вирус тушгандан сўнг, касалликнинг яширин даври бошланиб, 14-35 кун давом этиши мумкин. Бунда беморда кўнгил айниши, ҳолсизлик, иштаҳанинг пасайиши ва шиллиқ қаватларнинг сарғайиши, ўнг қовурға ёйи остида оғриқ, сийдик рангининг тўқлашуви, нажаснинг рангсизланиши кузатилади. Баъзида овқатлангандан кейин қусиш, ҳароратнинг кўтарилиши, кўз оқи ва пастки қовоқ шиллиқ пардаси, тирноқ ва терининг сарғайиши каби аломатлар билан кечади. Умуман, гепатит касаллигида моддалар алмашинуви, ҳазм қилиш, заҳарли моддаларнинг зарарсизлантириш жараёнларини бузилиши оқибатида барча аъзолар зарар кўради.

Гепатитнинг юқиш хавфи касалликнинг яширин, бошланғич даврлари ва сариқлик белгиларисиз кечадиган турларида юқори бўлади. Бунда бемор ўзи билмаган ҳолда оила аъзолари ва яқинларига касалликни юқтириши мумкин. Бемор фойдаланган идишлар, чойшаб, ёстиқ жилди, ҳожатхона анжомлари ва беморнинг овқат қолдиқлари вирус билан зарарланган бўлиши мумкин.

Доимо эсда тутинг: фақат қайнатилган сувни ичиш, идишларни махсус ювиш воситалари ёрдамида ювишга одатланинг. Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб, пол, эшик тутқичлари ва ишлатилишига қараб бошқа буюмларни мунтазам зарарсизлантирувчи воситалар билан артиб туринг.

Гепатит асоратлари билан хавфлидир, шу сабабли касалликни ўз вақтида аниқлаб даволаш муҳим аҳамиятга эга. Касалликнинг аломатлари кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Соғлиғингизга бефарқ бўлманг.

**Г.СОБИРОВА,**
**Шаҳар ДСЭНМ ЎҲЮК**
**бўлими врач-эпидемиологи**

## Божхона

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

***Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, соғлом рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Аммо, «гўшт суяксиз, гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, баъзи «тадбиркор»лар даромад орттириш илинжида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун яратилаётган шарт-шароитларни суиистеъмол қилишга уринишмоқда. Божхона чегаралари орқали олиб ўтаётган товар-моддий бойликларини божхона назоратидан яшириш ҳолатлари учраб турибди. Бундан ташқари божхона расмийлаштируви бўйича ҳужжатларга маълумотларни нотўғри киритиш йўли билан белгиланган тўловларни тўлашдан бўйин тортишга ҳаракат қилишмоқда.

Давлат бюджетига божхона тўловларининг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш, шунингдек, юқоридаги каби божхона қоидабузарликларининг олдини олиш мақсадида республикамиз божхоначилари томонидан турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг «Тошкент-товар» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари пойтахтимиздаги «R.T.S.P» МЧЖ (*мақолада ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг номлари ўзгартириб кўрсатилган*) томонидан Хитойдан келтирилган трактор эҳтиёт қисмларини божхона кўригидан ўтказганда мазкур товарларнинг юк-кузатув ҳужжатларида қайд этилганига нисбатан 14,5 тонна оғир эканлиги аниқланди. Божхона юк декларациясидан «тушиб» қолган мазкур ортиқча эҳтиёт қисмларнинг умумий қиймати 75 млн. сўмни ташкил этади.

Шунингдек, пост ходимлари томонидан «G.D.B.» МЧЖга тегишли хўжалик товарлар кўздан кечирилганда, мазкур ташкилот Бирлашган Араб Амирликларидан 32 млн. сўм қийматдаги 7,5 минг донага яқин буюмларни ортиқча олиб киргани маълум бўлди.

Хусусий тадбиркор А.Р. номига Хитойдан келтирилган электр ускуналарига тегишли юк-кузатув ҳужжатлари ва божхона юк декларациясини расмийлаштириш чоғида божхоначилар ҳужжатларда қайд этилган рақамларда мавжуд товарлар миқдорига нисбатан тафовут борлигини пайқашди. Натижада, ҳужжатларда кўрсатилмаган қиймати 13 млн. сўмдан ортиқ 600 дона турли хил хўжалик молларини ҳеч қандай божхона тўловларисиз ички бозорга киришининг олди олинди.

«Сергели» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан ҳам шу турдаги қонунбузарликлар бартараф этилди. «Р.Т.» МЧЖ номига Хитойдан келтирилган амортизаторлар ҳужжатларига асосланилса, гўё ҳаммаси рисоладагидек. Аммо, уларни божхона кўригидан ўтказиш натижасида 24 млн. сўм қийматдаги 1,5 тонна оғирликдаги амортизаторларнинг ҳужжатлардан «тушиб» қолгани фош бўлди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $227^{22}$- моддасига биноан божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни декларациядан ўтказмаслик ёки нотўғри декларациялаш, яъни товарлар, уларнинг божхона режими ва бошқалар ҳақида божхона мақсадлари учун зарур бўлган, белгиланган ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклдаги маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш, агар жиноят аломатлари бўлмаса, фуқароларга товарларини мусодара қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри маълумотларни кўрсатиш, бу маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, уларни талаб этилаётган божхона режимига жойлаштириш, божхона тўловлари миқдори тўғрисида божхона органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир этмаган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Тошкент шаҳар**
**божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент шаҳар Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 19.08.2014 йилдаги 10-1413/11602-сонли ижро варақасига асосан хатланган Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уй манзилида сақланаётган «Эпика» русумли д/р: 01/770 FBA бўлган, 2010 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 48 269 920 сўм.

**Аукцион савдоси 2015 йил 20 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 18 февраль куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «RMM» АЖнинг АИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 20 мартдаги 10-1308/22214-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 44А-уйда жойлашган, умумий майдони 847 кв.м, бўлган 1 ва 2 қаватли савдо, маиший хизмат ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 655 637 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2015 йил 18 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 16 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида* ***15 январь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёғингарчилик (ёмғир, қор) эҳтимоли бор, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ғарбдан шарққа томон секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***15 январда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5